



ТИББИЁТ МАРКАЗЛАРИ ЛОЙИХАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 ноябрь куни онкология ва эндокринология тиббиёт марказлари қурилишига оид лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Бу икки йўналиш инсон умри, ҳаёт сифати, генофонд соғломлигини белгилайдиган долзарб соҳалардир. Шифохоналарга мурожаатлар ва жойларда ўтказилган тиббий куриклар тахлили бундай касалликлар кўп учраётганини кўрсатган. Бу йўналишдаги республика марказларининг бинолари ҳам эскирган эди.

Ҳолат билан бевоқиф танишиш мақсадида давлатимиз раҳбари шу йил май ойида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказини бориб кўрган эди. Шундан келиб чиқиб, 27 май куни Президентнинг “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унда Республика онкология ва

радиология тиббиёт маркази учун янги замонавий бинолар қурилиши ва жиҳозлаш белгиланган эди.

Шундан сўнг, хорижий клиникаларнинг илғор тажрибаси, шифокор ва беморлар учун барча шароитлар ҳисобга олиниб, лойиҳа ишлаб чиқилди. Утган галги тақдимотларда билдирилган фикрлар асосида у янада такомиллаштирилди.

Янги бино 10 қаватли бўлади. 3 қаватли ерости қисмида радиология ва нур терапия, позитрон-эмиссион томография, радиоизотоп текшириш каби бўлимлар жойлаштирилади. Марказда имунотерапия, таргет терапия, химио-тезлаткич ёрдамида ва стереотоксик нур терапия, радиокirurgия каби янги даволаш услублари жорий этилади. Ушбу янги бино

Тошкент тиббиёт академиясининг 2-клиникаси ҳудудида қурилади.

Юртимиздаги улкан илмий, диагностика ва даволаш салоҳиятига эга муассасалардан яна бири Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказидир. Унда 288 ўринли стационар бўлим ва 250 кишига мўлжалланган маслаҳат-диагностика клиникаси бор. Марказнинг ҳозирги биноси 1974 йилда қурилган, моддий-техник базаси эскирган.

Шу боис, ушбу муассаса учун Тошкент тиббиёт академиясининг 1-клиникаси негизда янги мажмуа барпо этиш режалаштирилган. Бу марказнинг шароитларини яхшилаб, хизматлар турини кенгайтиради. Хусусан, бугунги кунда эндокринология марказида 14 та бўлим бўлса, янги

мажмуада яна 14 та бўлим очиш учун имконият яратилади.

Президент қурилиш лойиҳаларини маъқуллаб, энди иш тизимини тўғри йўлга қўйиш ва тиббий хизмат сифатига эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади. Марказларга хориждан мутахассислар жалб этиш, шифокорларни жаҳон тиббиёти ютуқлари асосида қайта ўқитиш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш бўйича кўрсатмалар берилди. Ушбу республика марказларини қуриш билан бирга ҳудудлардаги диспансер ва поликлиникаларда шароитларни яхшилаш, замонавий ташхис ускуналари етказиб бериш, шифокорлар малакасини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

ЎЗА

Ҳаракатлар стратегиясининг натижаси ўларок, Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари яратилди. Янги Ўзбекистон стратегияси, аввало, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилганини таъкидлаш лозим.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобидан

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

БУЮК ВА ҚУТЛУҒ ЙЎЛ БОШИДАГИ ЎЙЛАР

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида халқимиз дунёқарашни ўзгаргани, юртдошларимиз ҳаётга, ислохотларга жўшқин муносабатда экани ҳақида кўп гапиряпмиз. Шу ўринда табиий савол туғилади: дунёқараш қачон ўзгаради, ҳаётга бўлган мухаббат қачон кучаяди?

Бизда бу каби саволларга жавоб аллақачон бор. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифаларни амалда бажариб, қўзлаган мақсадларга эришганимизнинг ўзи алоҳида катта жавоб.

Бугун яна бир жиҳатни алоҳида эътироф этишдан мамнунмиз. Гап шундаки, халқимиз дастурхони тўқис, ҳаётимиз фаровон бўлишини таъминлашда қишлоқ хўжалиги соҳасида одилона, узокни қўллаб бажарилган ислохотлар ҳам муҳим омил бўлди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасига — “янги ҳаво”

Ҳаракатлар стратегиясида **пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш** каби вазифалар қўйилган эди.

Дала одами ҳаётдан олиб гапиришни яхши кўради. Сир эмас, узок йиллар ердан шафқатсиз фойдаландик, халқ учун фойдасиз режалар ортидан қувиб, улар-



ни қозғода кўпиртириб бажардик. Лекин халқимиз ҳаётида бу ҳосилнинг ўрни бўлмади. Натижада ер кучсизланди, ҳосилдорлик паст даражага тушиб кетди. Бир мисол айтиай: бир гектар ерга

экилган пахтадан 30 центнердан кам ҳосил олинса, даромад бўлмайди. Бу на давлатга, на халққа, на фермерга фойда, турган-битгани зиён. Демак, бу ердан бошқа мақсадлар-

да фойдаланиш, даромад олиш чораларини излаш керак бўлади. Лекин яқин-яқингача шу тadbирнинг ҳуқуқий асоси йўқ эди.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОНЦЕПЦИЯСINI ТАСДИҚЛАШ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартибларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун” деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юклаганини.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ПФ-6196-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш мақсадида:

1. Жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган:

Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини

ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 2-иловага мувофиқ;

2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Концепция, Стратегия ва “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш юзасидан **масъулият жамоат хавфсизлигини таъминловчи давлат органларининг шахсан биринчи раҳбарларига юклатилсин.**

2. Концепция ва Стратегияни босқичма-босқич амалга оширишнинг қўйидаги тартиби ўрнатилсин:

Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов) — 2023-2025 йилларда ҳар йили жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий қилиш бўйича аниқ механизмларни назарда тутувчи **манзилли чора-тадбирлар дастурини** тасдиқласин ҳамда ижросини қатъий назоратга олсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши (В.В.Махмудов) — ҳар йили да давлат органлари раҳбарларининг “Йўл харитаси” ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган манзилли чора-тадбирлар дастурлари ижроси, шу жумладан, мазкур дастурларнинг ҳудудлар кесимида амалга оширилиши юзасидан **ҳисоботларини эшитиш ва танқидий муҳокама қилиш** амалиётини йўлга қўйсин.

3. Белгилансинки: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида **оммавий тадбирларни ўтказишда ҳамда истироҳат боғлари, хибонлар ва бозорларда жамоат тартибини сақлашни** ташкил этиш бевоқиф Миллий гвардия бўлинмалари томонидан амалга оширилади;

Давоми 2-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Халқаро экспертлар: Ўзбекистон раҳбари томонидан ИХТ саммитида илгари сурилган ташаббуслар жуда долзарбдир

Халқаро ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга ташрифи яқунларини изоҳлар экан, Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) 15-саммитида иштирок этгани республиканинг ишончли ҳамкор сифатидаги мавқеини яна бир бор тасдиқлаганини таъкидламоқда.

Ким Санг Чхоль, Ханкук чет тиллар университети-нинг Марказий Осиё тадқиқотлари институти профессори, фалсафа фанлари доктори (Жанубий Корея): — Ўзбекистон Президентини қайта сайланганидан сўнг, биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан конструктив алоқаларни янада мустаҳкамлаш, минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмларини шакллантиришга қаратилган фаол дипломатик фаолият олиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга ташрифи чоғида қўшни давлатлар раҳбарлари, жумладан, Жанубий Осиё мамлакатлари раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашувлари Тошкентнинг жанубий йўналишида кўп то-

монлама ҳамкорлик архитектурасини мустаҳкамлаш, Марказий Осиё — Жанубий Осиё йўналишида савдо-иқтисодий, транспорт ва логистика алоқаларини ривожлантириш борасидаги стратегик мақсадларини яққол намойён этади. Бу Ўзбекистон Президентини томонидан Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича илгари сурилган долзарб ва чуқур ўйланган тақдирларда ҳам намойён бўлди, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон етакчиси таъкидлаганидек, халқаро ҳамжамият, жумладан, унинг энг яқин қўшниларининг ёрдамисиз Афғонистонда юзага келган мураккаб вазиятни барқарорлаштириш қийин бўлади.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2022-2023 йилларда туман ички ишлар органлари таркибидаги **конвой бўлинмалари** босқичма-босқич **вилоят ички ишлар органларининг бевосита бўйсунувиغا ўтказилиб**, ягона бошқарув тизими асосида **туманлараро хизмат ўташ** тамойилига мувофиқ қайта ташкил этилади.

Миллий гвардия (Р.М.Жўраев):
Адлия вазирлиги (Р.Қ.Давлетов) билан биргаликда **бир ой мuddатда** жамоат тартибини сақлаш соҳасида содир этиладиган **маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш ваколати** ички ишлар органлари билан бир қаторда Миллий гвардияга берилиши бўйича қонун лойиҳасини киритсин;

бир ой мuddатда ҳудудларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда **жамоат тартибини сақлаш фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида** 2022 йилда Наманган, Фарғона, Андижон ва Сурхондарё вилоятларидаги, 2023 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги Миллий гвардиянинг ҳарбий қисмларида **мuddатли ҳарбий хизматни кенгайтириш** бўйича асослантирилган таклифлар киритсин.

Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобожонов, Б.Т.Абдуллаев):

Молия вазирлиги билан биргаликда **бир ой мuddатда** ҳудудларнинг қриминоген вазияти ва аҳоли зичлигидан келиб чиққан ҳолда **туманлараро патруль-пост хизмати бўлинмаларини** ташкил этиш меъёрларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **2022 йил 1 мартга қадар** тасдиқланган меъёрларга асосан маҳаллий бюджет ҳисобидан камида биттадан туманлараро патруль-пост хизмати бўлинмаларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

2022 йил 1 майга қадар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ички ишлар органлари конвой фаолиятига **конвой остидаги шахсларни электрон браслетлар орқали назорат қилиш тизимини жорий этсин.**

4. Ички ишлар вазирлиги тузилмасида **Жамоат хавфсизлиги департаменти** (кейинги ўринларда — Департамент) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Куйидагилар Департаментнинг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги бўлинмаларининг фаолиятини **мувофиқлаштириш, комплекс таҳлил қилиш ҳамда уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;**

жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ташкил этиш, жамоат жойларида аҳолининг хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари куч ва воситаларини самарали бошқариш чораларини кўриш;

ички ишлар органларининг **ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини таъминлаш,** профилактик ҳисоб ва маъмурий назоратдаги шахсларни **ижтимоий мослаштириш** ишларини ташкил этиш;

вояга етмаганлар ва ёшлар, айниқса, уларнинг уюшмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни самарали ташкил этиш орқали улар орасида **ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;**

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш, транспорт воситасини бошқаришга доир чекловларга риоя этилишини назорат қилиш;

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишнинг таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини назорат қилиш, ижтимоий мослаштириш ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш ишларини ташкил этиш.

Ички ишлар вазирининг ўринбосари Б.Т.Абдуллаев зиммасига жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги жорий этилаётган бошқарув тизимини самарали йўлга қўйиш ҳамда Департаментнинг асосий вазифалари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини ташкил этиш бўйича **шахсий жавобгарлик юклансин.**

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Департамент **Стратегия, “Йўл харитаси” ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар дастурларининг амалга оширилиши доирасида:**

мунтазам мониторинг олиб бориб, белгиланган чора-тадбирлар сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича таклиф ва тавсияларни тегишли давлат органларида киритади;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида **эришилган натижалар ва аниқ кўрсаткичлар акс эттирилган батафсил ахборотни доимий равишда кенг жамоатчиликка етказиб боради;**

ҳар чорақда умумлаштирилган ҳисоботни Вазирлар Маҳкамасига киритади ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **Хавфсизлик кенгаши муҳокамасига тақдим қилади.**

6. Белгилансинки: Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари мажлисларида **ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларининг ўринбосарлари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқлари** томонидан ҳар чорақда жамоат хавфсизлиги юзасидан **ҳисобот бериш,** шунингдек, мазкур йўналишда кўрилаётган чораларнинг натижаларини **танқидий муҳокама қилиб,** уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича **тавсиялар ишлаб чиқиш** амалиёти жорий этилади;

республикада жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзга келганда ваколатли идораларнинг ҳаракатларини **умумий мувофиқлаштириш** вазифаси Департамент зиммасига юклатилади ҳамда унинг қошида **ягона идоралараро бошқарув штаби** ташкил этилади;

Департамент бошлиғи ички ишлар органлари томонидан амалга оширилаётган жамоат хавфсизлигини таъминлаш тадбирларининг **ягона мувофиқлаштирувчиси** ҳисобланади;

Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари таркибига **жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва пробация хизматлари** киритилади.

Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобожонов, Б.Т.Абдуллаев):

ваколатли давлат органлари билан биргаликда **икки ой мuddатда** алоҳида шароитларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мавжуд куч ва воситаларни **тезкор ва ягона идоралараро бошқариш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин;**

ички ишлар органлари профилактика ва пробация инспекторлари, патруль-пост ва йўл-патруль хизмати ходимларининг фаолиятини баҳолаш тартибини танқидий қайта кўриб чиқсин ва **самарадорлик индикаторларини ўз ичига олувчи рейтинг тизимини жорий этсин.**

7. Маҳаллада жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари **профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалар мақбуллаштирилсин ва уларнинг ягона рўйхати** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: профилактика инспекторларини уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга жалб қилиш ҳамда фаолиятига асоссиз аралашиш **тақиқланади;**

2024 йил 1 сентябрдан эътиборан Тошкент шаҳар ички ишлар органлари, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб қолган ҳудудий ички ишлар

органлари **профилактика катта инспектори лавозимларига фақат олий юридик маълумотга эга бўлган ходимлар тайинланади;**

профилактика инспекторлари учун Ички ишлар вазирлиги Академияси **сиртқи таълимига** қабул қилинадиган ходимлар умумий сонининг камида йигирма беш фоизи миқдорида **қабул квотаси ажратилади;**

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, фаолиятида юқори натижаларга эришган Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар органларидан иккитадан, қолган ҳудудий ички ишлар органларидан биттадан профилактика инспектори Департамент бошлиғи тақдирномасига асосан Ички ишлар вазирлиги Академиясининг сиртқи таълимига **имтиҳонларсиз қабул қилинади** ҳамда **бепул ўқитилади.**

Ички ишлар вазирлиги (Б.Т.Абдуллаев, А.И.Икрамов) **икки ой мuddатда** профилактика инспекторларининг ҳудудда, хусусан **шаҳар ва қишлоқ шароитида** фаолият олиб бориши бўйича аниқ механизмларни назарда тутувчи **моделларни** амалиётга жорий этиш чораларини кўрсин ва улар бўйича ўқитиш тизимини йўлга қўйсин.

8. Белгилансинки: пробация инспекторларининг фаолияти ҳудудий профилактика инспекторлари билан **қунийк узлуксиз ҳамкорликда** ташкил этилади; **пробация инспекторлари зиммасига** профилактик ҳисоб ва маъмурий назоратдагиларнинг шахсини ўрганиш ва уларни ижтимоий мослаштириш ишларида **профилактика инспекторларига амалий-услубий кўмаклашиш бўйича қўшимча вазифалар** юкланади.

9. Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигининг пробация тизимини янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

пробация назоратидаги шахсларга ўрнатиладиган **чекловлар доирасини,** чекловларга риоя этишни таъминлаш ва назорат қилишнинг механизмларини **аниқ белгилаш;**

пробация назоратидаги шахсларга нисбатан юритиладиган ҳужжатларни **тўлиқ электрон шаклга ўтказиш,** уларга нисбатан **рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини** қўллаш тартиби ва асосларини белгилаш;

пробация назоратидаги шахсларга ижтимоий-психологик ёрдам бериш ҳамда касб-ҳунар ўрганиш ва ишга жойлаштишда кўмаклашиш

тадбирларини, мутасадди органларнинг вазифаларини аниқ белгиланган ҳолда, **якка тартибдаги ижтимоий мослаштириш дастури** асосида амалга ошириш;

пробация назоратидаги шахслар ижтимоий-психологик портретининг ягона шаклини, уларни **тоифаларга ажратиш** мезонларини, **янги жиноят содир этишининг олдини олиш тартибини** белгилаш.

Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобожонов), Бош прокуратура (Н.Т.Йўлдошев) **икки ой мuddатда** мазкур фармонни иноватга олган ҳолда илғор хорижий тажриба асосида **“Пробация тўғрисида”**ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

10. Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобожонов), Миллий гвардия (Р.М.Жўраев) **икки ой мuddатда** ички ишлар органлари ва Миллий гвардиянинг **шахсий таркиб ва унинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишга** доир барча қонун ва қонуности ҳужжатларнинг нормаларини ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатда акс эттирувчи ҳамда ижтимоий ҳимоя чораларини қўллашнинг аниқ ва тўлиқ механизмларини белгилувчи **Ҳукумат қарорлари** лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобожонов) манфаатдор идоралар билан биргаликда **икки ой мuddатда:**

ички ишлар органларининг ҳудудий **патруль-пост хизмати таркибда ўз маблағлари ҳисобидан босқичма-босқич отлиқ отрядларни ташкил этишни** назарда тутувчи **Ҳукумат қарори** лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

қонунчиликка ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга маъсул этиб **ички ишлар вазирли П.Р.Бобожонов ва Миллий гвардия кўмондони Р.М.Жўраев** белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, маъсул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б.Д.Исламов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 29 ноябрь

Халқаро экспертлар:

Ўзбекистон раҳбари томонидан ИХТ саммитида илгари сурилган ташаббуслар жуда долзарбдир

Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистон билан биргаликда минтақавий аҳамиятга молик йирик савдо, транспорт ва энергетика лойиҳаларини амалга оширишни изчил давом эттириш ушбу мамлакатни тинч йўл билан тиклаш ва минтақавий жараёнларга жалб этиш учун қулай ташқи шарт-шароитлар яратиши ҳақидаги позицияси жуда долзарб деб ўйлайман.



Ўзбекистон Президентининг ИХТга аъзо мамлакатларнинг транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш ва транзит салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган Минтақавий стратегияни ишлаб чиқиш, ташкилот доирасида Савдо, инвестициялар ва инновациялар марказини ташкил этиш борасидаги ташаббуслари юксак эътиборга лойиқ.

Менимча, бугунги кунда ИХТ мамлакатлари ўртасида турли даражадаги фаол мулоқотга қарамайдан, ташкилотнинг барча иштирокчилари манфаатларига жавоб берадиган ўзаро келишилган тараққиёт стратегияси етишмаяпти. Шу боис, ишончим комилки, Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари амалга оширилиши ташкилот доирасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмларини янада такомиллаштиришга ва ИХТга аъзо ҳар бир давлат ҳамкорликдан фойда қўришига хизмат қилади.

Виктор Ким, Тожикистон Миллий Фанлар академиясининг Осиё ва Европа мамлакатлари институти катта илмий ходими:



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида, аввало, жорий йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг ИХТ билан шериклик тўғрисидаги резолюцияси қабул қилинганлигини муҳимлигини, шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти яратилганидан буён улкан иқтисодий салоҳиятга эга йирик минтақавий тузилмага айланганини таъкидлади. Ўзбекистон раҳбари минтақавий ҳамкорликка катта аҳамият бериб, қабул қилинган “Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти истиқболлари — 2025” дастури асосида минтақа мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада кенгайтириш мақсадаги мувофиқлигига эътибор қаратди.



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС



Таъкидлаш жоизки, Президент Шавкат Мирзиёев турли форматдаги минтақавий ҳамкорликка катта аҳамият бериб, унинг барча таклифлари қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва минтақа мамлакатлари иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш учун амалий аҳамиятга эга. Ўзбекистон минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлигини амалда намоён этмоқда.

Ўзбекистон Президентини амалий механизм сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни ривожлантириш ташкилоти ЮНИДО ва Марказий Осиё иқтисодиёти учун (СПЕКА) махсус дастури билан ҳамкорликда ташкилот доирасида Савдо, инвестициялар ва инновациялар марказини ташкил этиш ҳамда унинг қароргоҳини Тошкент шаҳрида жойлаштиришни таклиф қилди.

Чи Чи Минг, Малайзиянинг “Putra” университети катта илмий ходими, иқтисодиёт фанлари доктори:

— Иқтисодиёт соҳаси мутахассиси сифатида Ўзбекистон Президентининг ИХТнинг XV саммитидаги иштироки ушбу ташкилот ва унинг аъзолари учун жуда муҳим, деб ҳисоблайман, чунки мамлакат минтақадаги асосий давлатлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон ИХТга аъзо давлатлар учун Марказий Осиёдаги муҳим шерик бўлишида республика раҳбарининг саъй-ҳаракатлари ва мувозанатли сиёсати, минтақада яшаш қўшничиликлари муносабатлари ўрнатгани туфайли эришилди.

Бундан тўғривақтунда давом этаётган пандемия шароитида иқтисодий қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон ва мазкур ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида товар айирбошлаш ва сармоявий ҳамкорликнинг фаол ўсишида ҳам қўриш мумкин.

500 миллион аҳолига эга ИХТ савдо, саноат, туризм ва транспорт-коммуникация алоқалари соҳасида ўзаро манфатли кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун самарали платформа ҳисобланади.

Шавкат Мирзиёевнинг ушбу саммитда иштирок этиши Ўзбекистонни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, республиканинг йирик савдо шериклари бўлган ушбу ташкилотга аъзо давлатлар билан яқин ва серкирра муносабатда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Президенти ташкилот доирасида савдо тўсиқларини олиб ташлаш, божхона процедураларини рақамлаштириш ва электрон тижоратни жорий этишни ўз ичига олиши керак бўлган янгиланган ва кенг қамровли Савдо битимини қабул қилиш зарурлигини таъкидлади. Бу амалий натижаларга асос бўлади, деб ҳисоблайман.



Ўзбекистон Президентининг ҳар йили ташкилот доирасида бирон-бир соҳани ривожлантириш йили деб номлаш, хусусан, Ўзбекистон ташкилотга раислик қиладиган даврда ИХТ мамлакатларида ўзаро узвий боғлиқликни мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилишни таклиф этди. Ушбу ташаббус ИХТ институционал механизмларини ривожлантириш билан бирга ташкилот нуфузини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларни рағбатлантиради.

Айдин Асқаров, Марказий Осиё ва Яқин Шарқ сиёсий тадқиқотлар халқаро институти президенти (Латвия):

— Ригада Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга ташрифи натижалари Тошкентнинг Марказий Осиёда минтақавий жараёнларни чуқурлаштириш борасидаги иттилошларининг амалий тимсоли сифатида қўрилмақда.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги конструктив ҳамкорлик икки мамлакат халқларининг узок мuddатли манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга ташрифи амалий натижаларга эришиш, савдо, саноат, транспорт, энергетика, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, парламентлараро ва минтақалараро алоқаларни фаоллаштириш, давлатлараро ҳамкорлик салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлади. Бундан ташқари, аъёнавий дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, Марказий Осиё минтақасида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янада жадаллашишига хизмат қилади.

Далия Чакар, “Ўзбекистон — Нидерландия” дўстлик жамғармаси раиси:

— ИХТга аъзо деярли барча мамлакат ўз тараққиётининг жадал босқичида ва улар икки томонлама, минтақавий ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтиришга муҳтож. Аъёнага кўра, Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида халқаро ва минтақавий вазиятга, давом этаётган пандемия шароитидаги иқтисодий қийинчиликларга эътибор қаратди ва ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича қатор амалий таклифлар билдирди.

Ўзбекистон Президентининг ташкилот доирасида савдо тўсиқларини олиб ташлаш, божхона тартиб-таомилларини рақамлаштириш ва электрон тижорат механизмларини жорий этиш билан боғлиқ янгиланган ва кенг қамровли Савдо

битимини қабул қилиш таклифи алоҳида эътиборга сазовор.

Шавкат Мирзиёев транспорт йўлакларини, минтақалараро транзит марказларини ривожлантириш, замонавий транспорт ва йўл инфраструктурасини такомиллаштириш муҳимлигини яхши англайди, шу боис, мамлакатларнинг транспорт-коммуникация алоқаларини мустаҳкамлаш ва транзит салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган Минтақавий стратегияни ишлаб чиқишни таклиф қилди.

Сайёҳлик соҳасидаги мутахассис сифатида Ўзбекистон Президентининг сайёҳлик алмишинини тиклаш муҳимлиги, хусусан, унинг Хавфсиз сайёҳликни ривожлантириш умумминтақавий дастурини қабул қилиш ташаббуси ҳақидаги ғояларини олишлайман.

Ўзбекистон раҳбари Афғонистондаги бугунги мураккаб вазият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Президент ўз нутқида ушбу мамлакат кун сайин оғир гуманитар инқирозга қириб бораётганини таъкидлади. Халқаро ҳамжамият, жумладан, яқин қўшнилар ёрдамисиз афғон халқи якка ҳолда бу қийин синовлардан ўта олмаслигини яна бир қарра қайд этди. Бу фикрлар мутлақо тўғри ва долзарбдир.

Аҳмади Тоерижаалаи, “Агро Food NL LTD” (Нидерландия) ва “Agri NL” (Ўзбекистон) компаниялари бош директори:

— Иқтисодий-инвестициявий, транспорт-логистика бўйича ҳамкорлик, ўзаро эришилган келишувлар нафақат Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар тадбиркорлари учун, балки бу минтақада фаолият юритаётган биз каби хорижий инвесторлар учун ҳам қулай имкониятлар беради. Ўзбекистон маҳсулотларини Европа мамлакатларига олиб чиқишда ҳамда Европадан республикага янги хорижий сармоядорларни жалб қилишда, аввало, минтақадаги хавфсизлик ва қулай инвестиция муҳити ҳар бир маҳаллий ва чет эллик сармоядор учун сув ва ҳаводек зарур.

Шундай экан, Ашхобод шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммити ва унинг доирасида ўтказилган амалий музокаралар ҳамда эришилган келишувлар барчамиз учун янги имкониятлар эшигини очишига ишончим комил.

“Дунё” АА

ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

БУЮК ВА ҚУТЛУҒ ЙЎЛ

БОШИДАГИ ЎЙЛАР

Муҳаммад АҲМЕДОВ,
“Маданият Муҳаммад Исмат”
фермер ҳўжалиги раҳбари,
Ўзбекистон Қўҳрамони

Бошланиши 1-Бетда

Президентимизнинг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжири яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳаётий заруратга эга қарори, таъбир жоиз бўлса, мамлакат қишлоқ ҳўжалиги соҳасига “янги ҳаво” олиб кирди.

Қарор асосида паст ҳосилли даладарда интенсив боғлар яратиш ҳаракатлари бошланди. Бунинг аҳамияти жуда катта бўлди. Масалан, 25 центнер пахтани, айтайлик, 7 мингдан сотсақ, 16-18 миллион сўм бўлади. Аслида, бир гектар ерга чигит экиб, ҳосил олиш учун ҳам шунча ҳаражат кетади. Қўриниб турибдики, ҳеч қандай фойда йўқ. Энди яна бир оддий арифметика: бир гектар ердан камида 20 тонна узум олиш мумкин. Бу узумни камида 3 мингдан сотсангиз ҳам 60 миллион сўм бўлади. Бунинг учун эса, бор-йўғи 10 миллион сўм ҳаражат қиласиз. Демак, 50 миллион сўм соф фойда бор. Мана сизга ердан оқилна фойдаланиш бўйича Президентимиз бошлаб берган ислохотнинг моҳияти.

Ҳа, ислохот, деямки. Ислохотки, миллионлаб юртдошларимиз хонадонига қўт-баракка олиб кирадиган, яшаш маънаимиз — ер майдонлари унумдорлигини сақлаб қоладиган, сувни тежайдиган, шу орқали келажак авлодларга ҳам фаровон ҳаёт меҳрос қолдирадиган оламшумул ислохот.

Президентимиз ҳар бир соҳани ривожлантириш учун беҳизга “илм керак, илмга асосланилик, фақат илм”, демаяпти. Бу — замон талаби. Гап шундаки, бугун ҳар бир қарчир ердан юқори ҳосил олиш масаласи бош мақсад қилиб қўйилган. Бунинг учун илм керак, соҳага янги агротехнологиялар кириб бориши шарт. Илмга асосланиб қилинган деҳқончиликни қутилган ҳосилни беради, бозорини топади.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хомашёсига нисбатан узумдан 7 баробар, гилосдан 6 баробар, ёнғокдан 5 баробар кўп даромад олиш имконияти мавжуд. Илм билан деҳқончилик қилиш, дегани шу аслида. Агар биз илмга асосланиб пахта етиштирсак, ҳозирги 40 центнер ўрнига 50-60 центнер ҳосил олишимиз мумкин бўлади.

Бу — агротехникани янгилаш, ҳосилдор, иқлим ўзгаришларига чидамли навлари яратиш, анъанавий ишловларни ўзгариштириш керак, дегани. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу жараён бошлаб юборилган. Хусусан, пахта ҳосилдорлигини 60 центнергача, галла ҳосилдорлигини 80 центнергача етказиш мақсадида алоҳида дастур асосида иш олиб борилади. Президентимиз келгуси икки йилда 40 дан зиёд янги пахта навларини синовдан ўтказиб, энг истиқболли 10 та навни танлаб олиш бўйича муҳим вазифани олдимизга қўйган. Шу тарихка, ҳозиргача экилаётган 30 фоиз гўза навлари янгиланади.



Энг муҳими, бу борадаги ишлар Янги Ўзбекистон стратегияси асосида ҳам изчил ривожлантирилади. Хусусан, қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқаришга асосланган агротехнологияларни кенг жорий этиш, интенсив боғлар ва тоқзорлар яратиш, органик қишлоқ ҳўжалиги, мева-сабзавот, озик-овқат, асаларичилик, балиқчилик, паррандачилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари қўрилади. Шундай экан, ҳали биз эришадиган янги ютуқлар — олдинда.

Давлат қўллаяпти — ҳаракатлар натижа бераяпти

Биз Ҳаракатлар стратегияси асосида сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усуллари, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ ҳўжалиги техникасидан фойдаланиш борасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритдик.

Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежаш ҳақида сўз борганда, шунчаки гапиришга ҳаққимиз йўқ. Бу — ҳаёт-мамот масаласи.

Президентимизнинг томчилатиб сўғориш тизимини жорий қилиш бўйича ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Очиги, яқин йилларгача ҳеч ким томчилатиб сўғориш ҳақида қайғурмаган, ҳатто ўйламаган. Бу технологиялар чет давлатларда жорий этилаётганини телевизорда кўра эдик, холос.



Лекин ўзимизда қўллаш ҳаёлимизга ҳам келмаган. Чунки бунинг учун зарур техникани, технологияларни қаердан оламиз, деган саволга жавоб йўқ эди. Бугун давлатнинг ўзи шароит яратиб бераяпти. Ҳозирда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Субсидия бериш тизими такомиллаштирилмоқда.

Бу ҳам катта ёрдамда. Агар шу каби ёрдамлар бўлмаганида кўплаб фермерларимиз, айниқса, пандемия шароитида, ўзини тиклаб олиши қийин эди. Бу нафақат фермер, балки унинг ишчилари, демакки унлаб оилалар инкироз ёқасига келиб қолган бўларди, дегани.

Шунга қарамай, томчилатиб сўғориш тизимини бўлмайдиганга чиқаришга уринаётган одамлар ҳам учраб туради. Бу гапни айтиш жуда осон. Бўлмайди, дедингиз — меҳнатдан қутулдингиз. Аслида, бу тизимни илмга асослаб ишлатасак, юқори ҳосилдорликка эришамиз. Бунинг ҳам ўзига яраша технологияси бор.

Шу ўринда ўзимдан бир мисол. Бир вақтлар пахта ҳосилини 30-35 центнер бўлди, деб мактабим юрардик. Ҳозир томчилатиб сўғориш самарасида бу кўрсаткич анча ўсган. Биз бир неча йилдирки, 50 гектар майдонда томчилатиб сўғориш технологияси асосида пахта етиштиряпмиз.

Тежамкор технологияни жорий қилган биринчи йилгимиз ҳосилдорлик 41, иккинчи йили 55, бу йил эса 58 центнерга етди. Келаси йили 65 центнерга кўтариш ниятимиз бор. Албатта, бошида камчиликлар кузатилиши табиий. Томчилатиб сўғоришга ўтиб, бирданига 60 центнер ҳосил қутуш нотўғри. Ўрганиямиз, томчилатиб сўғориш ҳам йилдан-йилга такомиллашиб, яхши натижа берапти.

Бу билан, аввало, сув танқислиги муаммоси ечимини топяпти, сўнгра фермерлар ҳаражатлари — техника, ёқилғи сарфи, қўл меҳнати камаяди, ўғит олиб кириш, уни пахтага сепиш ташвиши йўқолади. Ўғит сув томчиси орқали юборилади, культивацияга ҳожаат қолмайди.

Энди бир ўйлаб кўрайлик, 1 гектар ердаги пахтага ишлов бериш учун техникага 28 литр ёқилғи керак бўлади. Одатда тўрт марта ишлов берилади. Демак, томчилатиб сўғориш орқали бир гектардан 110 литрдан зиёд ёқилғини тежаб қоламиз. Ишчи кучини ҳисоблайдиган бўлсак: 1 гектардан камида 1,5-2 миллион сўм пул тежалади. Сув сарфи: 1 гектар пахтани анъанавий усулда сўғориш учун 1000-1200 куб метр оби-ҳаёт керак. Томчилатиб сўғорганда шунинг ярми кетади. Буларнинг барчасини икки юз гектар майдонга эга фермер мисолида ҳисобласак, биргина сув тежовчи технология шарофати билан 22 минг 400 литр ёқилғи (бу ўртача ҳисобда 212 миллион 800 минг сўм), 400 миллион сўм меҳнат ҳақи, 120 минг куб метр сув тежалади, деганидир.

Фурсати келганда, яна бир тажрибамиз билан ўртоқлашмоқчиман. Бу йил анъанавий сўғориш тизимидаги майдонга экилган пахта ҳосилининг биринчи теримидан 40 центнердан ҳосил олдик. Бунга янги агротехника асосида эришдик. Одатда чигит экиладиган майдон икки марта чизель қилинади. Чизель ускунасининг устига қутилар ўрнатиб, 70 фоиз ўғитни 20 сантиметр чуқурликдаги тупроқ остига юбордик. Кейин пахта экилди. Бу билан, биринчидан, сувга талаб камайди, иккинчидан, пахта ҳосилдорлиги яхши бўлди. Натижада пахтани икки марта сўғориш кифофи қилмоқда. Чунки пахта айнан гуллаётган, сув керак, деган паллада илдири 20 сантиметр чуқурликдаги ўғитга етиб борган бўлади ва пахта бирданига ўсиб, ривожланади. Одатда беш марта сўғорардик.

Президентимиз Янги Ўзбекистон стратегиясида сув ресурслари самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратгани ҳам бежиз эмас. Чунки глобал иқлим ўзгаришлари аҳоли жон бошига тўғри келади-

ган сув таъминоти даражасини пасайтира бошлади. Шу боис, келгуси беш йилликда сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳўжатларини тизимлаштириш ва кодификациялаштириш, сувдан фойдаланишда самарали механизмларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Энди гап ўзани унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ ҳўжалиги техникасидан фойдаланиш масаласига келди. Бу борада ҳам Президентимиз фермерларнинг манфаати томонда тургани қувонарлидир. Қишлоқ ҳўжалиги учун техника сотиб олишда кредит ҳаражатларининг бир қисми давлат томонидан қўллаб берилиш амалиёти йўлга қўйилди. Шунингдек, импорт қилинадиган техника, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар божхона тўловларидан 3 йил муддатга озод этилмоқда. Биргина шу имтиёзнинг ўзиёқ кластер ва фермерларга техникани 35 фоизгача арзон харид қилиш имконини беради. Бу ҳам катта ислохотми? Нафақат ислохот, балки қишлоқ ҳўжалиги вакилларининг иқтисодийотини тиклаш, ишни самарали йўлга қўйиш, тежалган маблағ эвазига янги тармоқларни очиш, иш ўринлари яратиш каби фаровонликка хизмат қилувчи амалларни бажаришга рағбат ҳамдир.

Лазерли текислаш ускуналари ва дон уруғ сеялкаларини харид қилиш учун субсидия бериш ва божхона имтиёзлари берилиши каби амалиётнинг жорий этилгани ҳам катта имтиёз бўлди. Бу айтишга осон, лекин унинг аҳамиятини англамас нияҳтда катта иш бўлганини фахмлаш қийин эмас.

Деҳқонлар яхши билади, ерни бир текис қилиб экин экиш юқори ҳосилдорлик омилидир. Бунда, аввало, сув тежалади, сўнгра ўғитлар тенг тақсимланади. Бу эса, ўз навбатида, экинларнинг тенг меъёрга етилиши қафолати ҳисобланади.

Бугун фермерларимиз ана шу имтиёз ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда лазерли текислаш ускуналари, дон уруғ сеялкаларини сотиб оляпти. Пировардиди, ҳосилдорлик сезиларли ошмоқда.

Кластер ва фермер — самарали тизим ишламоқда

Ўтган йилларда қишлоқ ҳўжалигида яна бир жуда катта ислохот амалга оширилди. Ҳаракатлар стратегиясида фермер ҳўжаликлари, энг аввало, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқа-



риш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қўрилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шўғулланаётган кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш масаласи илгари сурилди.

Ана шу мақсадда кластерлар фаолияти йўлга қўйилди. Бу хомашёни чуқур қайта ишлашда Ўзбекистон тарихида кузатилмаган янги тараққиёт босқичини бошлаб берди.

Бугун кластерлар қишлоқларда, маҳаллаларда фабрикалар, ишлаб чиқариш корхоналари, турли цехлар қурапти. Булар ҳам фермер ҳўжалиги, ҳам кластерлар манфаатдорлигини оширишга, аҳолини иш билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Кластер тизими қисқа вақтда қишлоқ ҳўжалигида катта ўзгаришларга замин яратди. Биргина пахтачиликда толани қайта ишлаш 2,5 баробарга ошиб, 100 фоизга етказилди. Ил-кавала ишлаб чиқариш 2 баробарга, тайёр маҳсулот 3 баробарга ортди. Экспорт ҳажми ҳам шунга яраша сезиларли ўсди.

Кластернинг афзаллиги хомашёдан тайёр маҳсулот яратиб, экспорт қилиш занжири яратиш эканини бугун яхши тушунамиз. Масалан, бир кило толадан тўртта қўйлақ тайёрласа бўлади. Энди оддий ҳисоб-китоб қилиб кўрайлик: бир кило тола 3 доллар атрофида сотилса,



4 та қўйлақни 10 доллардан 40 долларга пуллаш мумкин. Қўриниб турибдики, маҳсулотни қанчалик чуқур қайта ишласак, шунчалик кўп фойда кўраимиз. Мана шунинг учун ҳам кластерларнинг ташкил этилиши тараққиётимиз қафолати сифатида бўй кўрсатди.

Кластерлар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш, фермерларга кенг имкониятлар яратиш мақсадида ҳам янгича ёндашувлар, тартиб-тамойиллар жорий этилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг ташаббуси асосида бугунги фермер ўзи танлаган кластер билан ишлайди ва маҳсулотини етказиб беради. Яъни рақобат бўлади. Бу фермерлар кўнглидаги иш бўлди.

Тўғрида, фермерларга эркинлик берилмаса, улар битта кластерга боғлаб қўйилса, ривожланиш бўлмайди. Ҳозир кластерлар ёқилғини етказишда ҳам, минерал ўғитларни беришда ҳам фаоллашган, хуллас, бу йил анча ўзгаришлар кузатилди.

Албатта, кластерлар тизимида ҳам қилинадиган ишлар кўп, масалан, малакали мутахассислар етиштириш. Билимли агрономлар, хомашёни қайта ишловчи ўз ишининг усталари керак. Бу муаммо ҳал этилса, ишимиз янада самарадор бўлади. Бир сўз билан айтганда, давлат фермерларни ҳар томонлама

нинг қишлоқ ҳўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар қўриш каби мақсадларимизга ҳамоҳанг амалга оширилмоқда.

Тасаввур қилинг, ҳар бир юртдошимиз биттадан ниҳол экса, Ўзбекистон тез фурсатларда яшил маконга айланади, шундагина табиий офатларнинг олди олинади.

Бугун ҳамма ҳаракатга тушган. Ҳовлиларга, кўчаларга, ташкилотлар, муассасалар атрофига қўчат экиш, ободонлаштириш ишлари авжида. Шунга айтса керакда, эзгуликнинг қаноти бор, дея.

Дарахт экиннинг ҳам ўзига яраша мақсади бўлади. Масалан, бир марта пишиб, ўша вақтда сотилиши керак бўлган мевадан даромад топиш биров таваккал иш. Шунинг учун, боғларда узум эксақ, майиз бўладиган, ўрик парваришласак, туршак бўладиган навларни кўпайтиришимиз керак. Демак, бозор талабини ўрганиш мақсадагу мувофиқ.

Яна бир ташаббус — иссиқхоналар қуриш. Кейинги йилларда Ўзбекистонда иссиқхоналар қуришга инновацион ёндашувлар жорий этилди. Биргина Бухоро вилоятида 1000 гектарга яқин иссиқхоналар қуриш ишлари бошланган. Шу кунгача уларнинг 300 гектари фойдаланишга топширилди. Бу иссиқхоналарда илгор тажрибалар жорий этилиб, гидропоника усулида ҳосил олиш, янги навларни яратиш ишлари яхши самара бермоқда.

Натижада, 1 гектар иссиқхонадан 1 миллиард сўмдан ошмироқ даромад олиш имкони бўлмоқда. Бу ҳам даромад, ҳам экспорт ҳажми кўпайди, дегани.

Кам таъминланган оилаларга, ишсиз фуқароларга 1-2 сотихли иссиқхона қуриб бериш сиёсати ҳам яхши натижа берди. Бугун иссиқхонаси бор оилалар доимий даромад манбаига эга. Тасаввур қилинг, ҳар бир хонадонда 1 сотихдан иссиқхона. Ўзбекистон иқлим шароитида иссиқхоналардан уч-тўрт мартагача ҳосил олиш мумкин.

Ҳар бир хонадонда товуқчилик, чорвачилик ривожлантириш. Бу каби ислохотлар натижасида халқимиз турмуши ўзгарди, маҳаллалардаги дафтарларда рўйхатда турганларнинг оилавий шароити яхшиланди.

“Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурлари билан юртимиз янгича қиёфага кирмоқда. Бу ҳаётбахш дастурлар билан қишлоқларда, маҳаллаларда нима камчилик бўлса, барчаси бартараф этилмоқда.

Энг муҳими, одамларимиз янгича яшашни ўрганди, ташаббуслар халқимиз ҳаётига тоза ҳаво экинни олиб кириб, ҳаётга бўлган ҳавасини оширди.

Ёшлар билан кўп учрашувлар ўтказаяпмиз. Улар билан ҳамжиҳат бўлиб, назарий ва амалий ишларни бирлаштиряпмиз. Ўйлайманки, ёшларга биз бугун ўрнак бўлишимиз, йўл-йўриқ қўрсатишимиз, бор ҳаётий тажрибамизни ўргатишимиз керак.

“Маҳаллабай” тизими ишлаши керак, маҳаллани ривожлантирилик, деб қуяюяпти Президентимиз. Бу — энг катта сиёсат. Ҳар бир раҳбар маҳаллага кирса, маҳаллада ўтириб ишласа, халқнинг дардини, улар нима хоҳлайди, ҳаммасини билиб олади.

Маҳаллада ишламаган одам, халқ билан мулоқот қилишга қадр бошқа юқори лавозимда фаолият юритиш қийин. Ишласа ҳам халққа маъжул бўлмайди. Мен буни ҳаётимда кўрдим. Маҳаллада ишлаган мутахассис кейинчалик туман ҳокими, вилоят ҳокими бўладими, ҳар қандай масалани тезда ҳал қилиш қўбилияти шаклланади.

Бир сўз билан айтганда, кейинги йилларда эришган ютуқларимизнинг асосий омиллини Президентимизнинг ташаббусларлиги, деб биламан. Давлатимиз раҳбари доим халқ ичида, бир қарасангиз маҳаллада, бир қарасангиз юртдошларимиз хонадониди...

Президент халқни эшитишни билади, халқ билан мулоқот қилишни билади. Шу боис, ўтган йилларда халқимизнинг неча йиллар мобайнида интиқ қутган муаммоларига ечим топилди. Шунинг учун ҳам, халқимиз ўз Йўлбошчисини доим қўллаб-қувватлайди, ислохотларга ишонади.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида “Янги Ўзбекистонни дунёнинг тараққий топган, иқтимоий-иқтисодий барқарор ўсаётган ва инсон капитали юқори бўлган демократик давлатлари қаторига киришини таъминлаш — барқарор ривожланиш стратегиямизнинг мазмун ва моҳиятини ташкил этади”, деди.

Бунга шубҳа йўқ. Негаки, биз ўтган беш йилда жуда катта синовлар ва мураккаб тажрибаларни қўллаб кўрдик ва муваффақият қозондик, фаровон ҳаётга қандай эришиш кераклигини яхши билиб олдик. Энди Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари қадам қўйдик.

Президентимизнинг бир гапи бор: маррани банд олиб ишлашимиз керак. Шундагина, албатта, янги Ўзбекистон қурилади, Учинчи Ренессанс пойдевори мустаҳкамланиб, ривожланади — янги тараққиёт бўлади. Биз шунга ишонамиз.



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!



ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ТОМОРҚАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА

100 миллион доллар йўналтирилади

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ўтган беш йил давомида мамлакат иқтисодиётининг муҳим нуқталаридан бири сифатида тараққий этиб, ўзининг янги босқичига кўтарилди. Замоनावий ва янгича ёндашувлар, қабул қилинган қонунлар, муҳим фармон ва қарорлар, давлат дастурлари тармоқни сердаромад, қишлоқ жойларда одамларни иш билан таъминлайдиган тизим сифатида шакллантирди.



Фахриддин СУЮНОВ,
Ўзбекистон фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари кенгаши бўлим бошлиғи

лари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида томорқа хўжаликларидан фойдаланиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, юртимизда аҳоли ихтиёрида 500 минг гектар атрофида томорқа мавжуд. Улардан самарали фойдаланиш аҳолини иш билан таъминлаш ва оилаларнинг даромадларини кўпайтиришга хизмат қилади. Мазкур йўналишни такомиллаштириш мақсадида 23 ноябрь куни Президентнинг “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, келгуси йили пахта ва галладан қисқартириладиган 80 минг гектар ер аҳолига деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун берилиши белгиланди. Уларга томорқа хўжаликларида маҳсулот етиштиришга кўмаклашиш учун эса келгуси йилда 100 миллион доллар йўналтириш режалаштирилган. Бу маблағ оилавий тадбиркорлик дастури асосида, имтиёзли шартларда берилди.

Хусусан, деҳқон ва фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи бошқа қорхоналарга ер майдонида кичик интенсив боғдорчилик ва узумчиликка 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилдан кўп бўлмаган муддатга, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчиликка 6 ойгача имтиёзли давр билан 2 йилгача муддатга кредитлар ажратилади.

Бу ҳалқимиз, айниқса, қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган юрдошларимиз учун катта имконият. Ортга назар ташласак, беихтиёр аввалги қишлоқ аҳолиси билан бугунги қишлоқ одамларини солиштирамиз. Уларнинг ҳаёт тарзи, яшаш даражаси, даромадида сезиларли фарқ юзага келгани кўзга ташланади. Аввало, ҳалқимизда бугун бўш ер майдонларидан унумли фойдаланиш, кичик томорқадан ҳам яхшигина даромад олиш кўникмаси шаклланди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган майдонлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада ўз томорқасида экин экиб, ундан фойда олиш кўпчилик юрдошларимизнинг асосий даромад манбаига айланди.

Жумладан, айти дамда 5,5 миллиондан ортиқ томорқа ер эгаси ўз ихтиёридаги 502,8 минг гектар ер майдонида деҳқончилик қилмоқда. Юртимизда етиштирилаётган картошканинг 84 фоизи, сабзавот маҳсулотларининг

“АЙНИ ДАМДА 5,5 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ТОМОРҚА ЕР ЭГАСИ ЎЗ ИХТИЁРИДАГИ 502,8 МИНГ ГЕКТАР ЕР МАЙДОНИДА ДЕХҚОНЧИЛИК ҚИЛМОҚДА. ЮРТИМИЗДА ЕТИШТИРИЛАЁТГАН КАРТОШКАНИНГ 84 ФОИЗИ, САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ 71 ФОИЗИ, ПОЛИЗ, УЗУМ ВА МЕВАЛАРНИНГ 55-60 ФОИЗИ, ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ 94 ФОИЗДАН ОРТИГИ АҲОЛИ ХОНАДОНЛАРИ ҲИССАСИГА ТЎҒРИ КЕЛЯПТИ.

71 фоизи, полиз, узум ва меваларнинг 55-60 фоизи, чорвачилик маҳсулотларининг 94 фоиздан ортиги аҳоли хонадонлари ҳиссасига тўғри келяпти.

Умуман, ўтган вақт давомида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан аҳоли томорқаларидан олинadиган даромадларни ошириш бўйича бир қанча йўналишлар белгилаб олинди, бу борада тизимли ишлар амалга

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги жамғармадан 30 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, иссиқхона фаолиятини йўлга қўйди. Ҳозирда 4 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаган.

Пахтачи туманида истиқомат қилувчи Нодира Эгамбердиева, Зокир Эштанов, Бердулла Эгамбердиев, Ваҳоб Норқуловлар ихчам иссиқхонада маҳсулот етиштириб, йилга ўртача 30-50 миллион сўмдан даромад олмақда.



оширилмоқда. Худудий ҳокимликлар билан биргаликда 2021 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини экиш бўйича ишлаб чиқилган дастурларга асосан, 347,8 минг гектар аҳоли томорқаларига эрта баҳорги экинлар, 267,4 минг гектарга тақрибий ҳажмида мева-сабзавотчилик ҳисоб-китобларга кўра, жорий йил якунига қадар аҳоли томорқаларида 11,6 миллион тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўзда тутилмоқда. Бу ўтган йилга нисбатан 110 фоиз юқори.

Хонадон томорқасида ҳар қим ўз имконияти, ихтиёрига қараб маҳсулот етиштиради. Талаб-ғорлар орасида баъзилар мева-сабзавотчилик билан аввалдан шуғулланиб келган бўлса, баъзилар тажрибали деҳқонлардан ишнинг ҳадисини олиб, сўнг жараёнга киришди. Асосийси, вақтини ҳам, ҳовлидаги ер майдонини ҳам бўш қолдирмай, оиласи даромадига ҳисса қўшади. Ана шундай талаблар асосида жорий йил эрта баҳорда республика бўйича 2 миллион аҳоли томорқаларига жами 14,2 миллион дона мевали кўчатлар экилди. Кўчатлар орасида узум дейсизми, олма ёки шафтолими — бари топилади. Тадбиркорлар ҳам бу ишларга ўз ҳиссасини қўшди. 668,1 минг туп мевали дарахт кўчатлари ҳудудларда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари, томорқа хизмати қорхоналари ва тадбиркорлар томонидан аҳолига арзон нархларда етказиб берилди.

Хонадон томорқаларидан фойдаланишнинг яна бир самарали усули иссиқхоналар ташкил этиш ҳисобланади. Бу орқали ҳам яхшигина даромад, ҳам йилга 2-3 марта ҳосил олиш мумкин. Ҳатто, оила аъзолардан ташқари, қўшимча бир неча кишини иш билан таъминлаш имконияти ҳам бор.

Жорий йилда 71 минг хонадондаги жами 947 гектар майдонга ихчам иссиқхоналар қуриб берилди. Айти пайтда республикамиздаги 358 минг 467 та хонадонда ихчам иссиқхоналар мавжуд бўлиб, шулардан ҳам аҳоли рўзғорига қўшимча даромад келяпти.

Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги “Бобур” маҳалласида яшовчи Гулмира опа “Аёллар дафтари” рўйхатида турган.

Умуман, амалиётда ўзини оқлаётган бу таърибани янада оммалаштириш ишлари олиб бориляпти. Хусусан, жорий йилда туманларнинг ҳар бир секторига камида 100 тадан ихчам иссиқхона ташкил этиш юзасидан режалар ишлаб чиқилиб, худудий ҳокимликлар томонидан манзилли рўйхатлар тасдиқланган. Аҳамиятлиси, бундай иссиқхоналарни қуриб, аҳолига имтиёзли кредитлар асосида топиширишда “Томорқа хизмати” МЧЖ қорхоналарининг ҳиссаси катта бўляпти.

ЭКИН ЭКИШДАН МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТИГАЧА КЎМАКЛАШУВЧИ ХИЗМАТ

Ҳудудларда томорқа билан ишлайдиган, аҳолига моддий ресурсларни етказиб берадиган, молиялаштирадиган ва экин экишни назорат қиладиган “Томорқа хизмати” МЧЖлар фаолиятининг йўлга қўйилиши аҳолига деҳқончилик ишларини бошлашда катта кўмак бермоқда. 2018 йилда синов тариқасида илк бор ташкил этилган “Томорқа хизмати” қорхоналарига йил сайин талаб ортиб бораётгани ҳам шундан. 2020 йил 30 июнда қабул қилинган “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори билан республикамиз бўйлаб 651 та “Томорқа хизмати” МЧЖлар фаолияти йўлга қўйилди.

Бундай қорхоналар иш бошлаган илк куниданоқ аҳолига кўмакчи бўлиб, одамларнинг томорқаларига экин экиш, олинган ҳосилни харидорга етказунига қадар уларга кўмакдош бўлиб келмоқда. Жойларда аҳоли томорқа ерларини шудгорлаш, зарур уруғлик ва кўчат етказиб бериш, хонадонларга ихчам иссиқхона қуриш, эчки, қўй, парранда, асалари уялари, қуён етказиш каби хизматларни “Томорқа хизмати” қорхоналари орқали ташкил этиш йўлга қўйилмоқда.

Соҳа ривожига кластерлар фаолияти муҳим драйверга айланаётгани сир эмас. Қишлоқ хўжалигининг турли йўналишлари қаторида ўтган йилдан бошлаб “Томорқа хизмати” кластерлари ҳам ташкил этиляпти. Хусусан, айти вақтда

мева-сабзавот кўп етиштирилаётган 32 та туманда 12 та йўналиш бўйича томорқа хизмати кластерлари иш олиб бормоқда. Улар томорқаларда етиштирилган маҳсулотларни сақлаш, дўконларга етказиб бериш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш цехларини ташкил этиш жараёنларини умумлаштиради.

Қўрғонтепа туманида ташкил этилган “Дардоқ томорқа хизмати” МЧЖ ҳам ўз фаолиятини кластер тарзида давом эттиряпти. Қорхона 25 нафар кишини доимий иш билан таъминлаб, 5 мингга томорқа ер эгасига хизмат кўрсатиб келмоқда. Кластер ўтган йили 150 минг АҚШ доллари, жорий йил шу даврига қадар 250 минг долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилди.

Бугун кўпгина “Томорқа хизмати” МЧЖлар мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, аҳоли томорқаларида етиштирилган ҳамда кластерлар томонидан қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ички бозорларимиздан ташқари, хорижга экспорт қилишга эришяпти. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойи давомида 80 га яқин “Томорқа хизмати” қорхоналари томонидан 54 миллион долларлик 51,7 минг тонна маҳсулот Қозғоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон, Россия, Украина, Германия, Саудия Арабистони, Эрон, Покистон, Малайзия ва бир қатор Европа мамлакатларига экспорт қилинди.

БИР МАҲАЛЛА — БИР МАҲСУЛОТ

Мамлакатимизда ҳар бир ислохот, аввало, инсон манфаатлари, унинг яхши яшаши, фаровон ҳаёт кечирishiга қаратилгани ана шундай мисолларда ўз ибботини толмақда. Буни ҳаётимизда сезиб, ҳис қилаётганимизнинг ўзи юқоридаги рақамларнинг ҳеч бири шунчаки қоғозда эмас, амалда рўй бераётганидан далолат.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, аҳолига томорқаларидан даромад олишга кўмаклашиш замирида ҳам кам таъминланган, муҳтож оилаларга доимий даромад манбаини яратиб бериш ётади. Хусусан, жорий йил бошида томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланиш истиғини билдирган “Аёллар дафтари” рўйхатида турувчи 15 665 нафар хотин-қизнинг шу тизимда бандлиги таъминланди. Иккинчи босқичда эса 19 716 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш бўйича режа асосида ишлар ташкил этилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилди. Аёллар бандлигини таъминлаш мақсадида Кенгаш ҳузуридаги жамғарма ҳисобидан бугунги кунга қадар жами 34 миллиард 689 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ер олиб, экин эккан билан ҳосил мўл бўлавермайди. Яхши натижага эришиш учун билим, таъриба зарур. Худудларда “Маҳаллабай” ишлаш тизими, уйма-уй юриш орқали тарғибот ишларини олиб бориш, маҳаллаларда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ишларнинг тизимли йўлга қўйилиши аҳолига янада қулайлик яратяпти. Ушбу тизим натижасида республика бўйича 1 639 та МФЙ муайян бир турдаги маҳсулот етиштиришга ихтисослаштирилди. Шу тариқа, сабзавотчилик, картошкачилик, мевачилик ва боғдорчилик, чорвачилик, паррандачилик ва бошқа йўналишлар маҳаллалар кесимида ривожлантириляпти.

Хонадонларнинг бир маҳсулотни етиштиришга ихтисослашиши қатор афзалликларга эга. Аввало, “Томорқа хизмати” МЧЖлар томонидан битта маҳаллага бир маҳсулот уруғи ёки қўчати етказиб берилиши ҳисобида хонадон эгаларининг ҳам вақти, ҳам нақди тежалади. Маҳсулот пишиб етилганидан кейин ҳам харидор топишда муаммолар бўлмайди. Бир маҳсулотни катта ҳажмда олувчи харидорлар доим топилади.

Жорий йилда “Олмазор” ва “Бунёдкор” МФЙдаги 925 та хонадон картошкачиликка ихтисослаштирилиб, бу ерда йилга икки марта ҳосил етиштириляпти. Эртаки картошканинг плёнка остига экилиши ҳисобида маҳсулот нархи ўсишининг олди олинмоқда. Муҳими, аввалдан картошкачилик билан шуғулланган хонадон эгалари ҳам янгича тизим ортидан кўпроқ даромад ола бошладилар. Жорий йил якунига қадар яна 1 920 та маҳаллани бир хил турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш кўзда тутилган.





МУНОСАБАТ

МИЛЛАТНИНГ ЯНГИЛАНИШ ФАЛСАФАСИ

Жамиятнинг сиёсий-ижтимоий муносабатлар жараёнини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш, ўтган тажрибалардан сабоқ олиш, унда давлат ва жамият манфаатлари мутаносиблигини таъминлаш улғу мақсадлар сари интилаётган, ўз имкониятларини идрок ва ирода этган миллатларга хосдир. Шу боис, жамиятда сиёсий жараёнлар вазиятини англаш, баҳолаш, унинг давлатларига мос ислохотларни белгилаш миллий тараққиётнинг ўзига хос қонуниятларидан ҳисобланади. Айниқса, миллат учун мураккаб ва масъулиятли ўтиш дамларида жамият ривожини белгилаб беришга қодир “меъмор”ларнинг вужудга келиши ҳам даврнинг ўзига хос хусусияти. Бири иккинчиси билан боғлиқ ҳодисалар сирасига кирилади. Чунки сиёсат реал ҳаётий эҳтиёжларга ҳамоҳанг тарзда мослашиб борсагина, самарали натижа беради.

Тўлқин АЛИМАРДОНОВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимидаги нутқи айнан сўнгги йилларда эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиш асосида олдинда турган вазифалар қўламини белгилангани билан муҳим аҳамият касб қилди. Унда олдимиздаги янги вазифалар — тараққиёт стратегияси илгари сурилади.

Ҳаракатлар стратегияси жамият ҳаётида юзага келган турғунликдан чиқиш, инновацион ғояларни синдириш, жамият ривожини ўқун реал вазифаларни қамраб олган дастур сифатида тақдим этилди. У ривожланишнинг ихчам, тезкор, мақсадли, аниқ, асосли ва аҳоли учун тушунарли ғояларни қамраб олгани билан қисқа вақт ичида аҳолининг давлатга ишончи орттиришига олиб келди.

Давлат раҳбари бошлаган янгиланиш сиёсати бошқарув усулларини янги сифат ва талаблар даражасига кўтариш билан мамлакат тараққиётининг янги босқичини белгилаб берди.

Президент сайлови янгиланаётган миллатнинг орзу-умидлари инсон — жамият — давлат манфаатлари билан муштарак эканини яна бир бора тасдиқлади. Бу эса барчамизга янги куч, баянлаш руҳ ва ишонч бағишлайди. Эндиги тараққиёт босқичида халқ овозини, жамоатчилик фикрини ифода этадиган тузилма сифатида унинг қўшимча ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадлари кўзда тутилмоқда.

Сўнгги йилларда давлат маъмурий идора бошқарув тузилмасининг ўзгартирилиши фуқаролар учун сезилмасиз тақдирли таъмирлашлар қаторига кирса-да, жамият равнақи учун сиёсий-ижтимоий аҳамияти жуда катта. Улар, биринчидан, Президент ваколатларини ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимият зиммасига юклаш баробарида марказлашган авторитар бошқарув усулларини чеклайди. Иккинчидан, ижро ҳокимияти фаолияти мустақиллигини таъминлайди. Учинчидан, халқ вакиллари — депутатлар назоратини ўрнатishi билан демократик жараёнларни тобора қонлантиришнинг ҳуқуқий шарт-шароитларини юзага келтиради. Зеро, давлат ва жамият бошқаруви тизимларини такомиллаштириш туриб, мамлакат ишлаб чиқариш муносабатларини модернизация қилиб бўлмайди. Бу борада олдимизда турган яна бир муҳим масала — Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ҳамда ҳокимларнинг ваколатларини аниқ белгилашга оид қонуний асосларни яратиш масалалари кўзда тутилмоқда. Бошқарувнинг шаффоф ва самарали механизми жорий этилиши тараққиёт қафолатини таъминлашга хизмат этувчи ягона йўл.

Бошқарувнинг ҳар бир соҳасида ташкил этувчи, етакловчи, ижро қилувчи қисмлар мавжуд бўлади. Улар соҳахиятти, янгиланиш фалсафаси билан тўйинган раҳбар кадрларни танлаш орқали ўз натижасини беради. Бошқарув тизими янгиланиб, унинг усурлари мазкур талаблар даражасида бўлмаса, ижобий натижани кўтиб бўлмайди. Зотан, бугун бошқарув ижрочиларини эмас, изланувчан, шижоатга тўла креатив қиёфаларни талаб қилмоқда. Айтиш мумкинки, талаб ва эҳтиёжлар қонуният фақат иқтисодий категория эмас, жамиятнинг ривожланиш фалсафаси ҳамдир. Уни идрок этган раҳбарларгина даврнинг талабларига жавоб бера оладиган иқтисодий ислохотларни белгилайди.

Бугун тафаккур янгиланишлари билан боғлиқ бўлган мураккабликларга қарамай янгича фикрлайдиган раҳбарлар фаолият бошламоқда. Замонавий раҳбарлар энди офисларида ўтирмайпти, керак бўлса, ижтимоий тармоқларда фаол мулоқот қилиш маданиятини ҳам эгаллаб, муаммолар ҳақида гапиришдан қўчимамайпти. Бу — янгиланиш фалсафасининг натижаси!

Янги йилдан жорий этиладиган “бир суд — бир инстанция” тамойили суд қарорларининг адолатли, қонуний ва барқарорлигини таъминлашда бош мезон бўлиши кўзда тутилмоқда. Айни вақтда одил судлов тизимининг чиқамас мустақиллиги ва очкиллигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини такомиллаштириш, адвокатура институтини қучайтириш, ушбу соҳалар фаолиятини

Равшанбек ИКРОМОВ,
Чирчиқ давлат педагогика институти гуманитар фанлар факультети декани, юридик фанлар номзоди

Тожиҳон СОБИТОВА,
Чирчиқ давлат педагогика институти доценти, филология фанлари номзоди

Давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида “Биз “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” деган улғу ғоя асосида мамлакатимизда мактаб таълимини умуммиллий ҳаракатга айлантириш бўйича бошлаган ишларимизни янги босқичга кўтарамиз”, дея қайд этган эди. Ана шу улғу мақсаднинг амалга оширишда таълим тизимини мунтазам ривожлантириб бориш, янги ташаббус, янги ғоя ва янги ҳаёт тарзига асосида ишлаш заруратини юзага чиқармоқда.

Таълим тизимида мактабга-ча таълим босқичи энг муҳим бўғинлардан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда ушбу таълим босқичини ислох қилиш, мактабга-ча таълим ташкилотларига қамровни ошириш, уларнинг моддий-техник базасини замон талабларига мослаштириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабга-ча таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаргани билан аҳамиятлидир. Тизимда амалга оширилган ишларнинг замирида мактабга-ча ёшдаги фарзандларимизга таълим-тарбия бериш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ умидбахш мақсадлар мавжудлигини кўрамай.

Педагогик таълим инновацион кластери доирасида Чирчиқ давлат педагогика институтида “Боғча-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари фаолиятини йўлга қўйди. Бундай тажриба майдончаларида институтнинг бир қатор профессор-ўқитувчилари талабалар билан биргаликда муайян муаммонинг ечимига қаратилган илмий лойиҳалар устида тадқиқотлар олиб бормоқда. Ҳозирги кунда худди шундай 2 та “Боғча-лаборатория”да 3 та лойиҳа тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Уларда институтнинг илмий салоҳияти ва мактабга-ча таълим муассасалари тарбиячи педагогларнинг тажрибасини бирлаштириш орқали натижага эришиш назарда тутилган.

Чирчиқ давлат педагогика институти томонидан инновацион лойиҳа сифатида ташкил қилинган “Мактаб-лаборатория” тажриба майдончалари педагогик таълим инновацион кластерининг субъекти ҳисобланади. Бугунги кунда Тошкент вилоятида худди шундай 22 та “Мактаб-лаборатория” фаолиятини йўлга қўйди.

Лойиҳанинг мазмун-моҳияти ва илмий-назарий ҳамда амалий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда бу тушунчага қўйиладиган таъриф бериш мумкин: “Мактаб-лаборатория” — педагогик таълим инновацион кластерининг субъекти бўлиб, таълим турларининг илмий, услубий

ва таълимий фаолиятини ривожлантириш мақсадида қаратилган инновацион лойиҳалар бўйича тажриба-синов майдончаларидир.

“Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларининг мақсади узлуқсиз таълим жараёнида таълим турлари ўртасидаги илмий, услубий ва таълим воситаларини ривожлантириш, педагогик таълим инновацион кластерини амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ илмий-педагогик лойиҳаларни тажриба-синовдан ўтказишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун бу инновацион тажриба майдончалари бир қатор йўналишларда фаолият олиб боради: тажриба-инновацион, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий йўналиш.

Ҳар бир йўналиш ўзининг муайян вазифаларига эга. Масалан, таълимнинг янгиланган мазмунини амалиётга татбиқ қилиш ва апробациядан ўтказиш, касбга-ча ва касбий педагогик тайёрлов бўйича таълим ва тарбиянинг инновацион усуллари, шакллари ва технологияларини бўйича инновацион лойиҳалар ишлаб чиқиш, апробация қилиш ва татбиқ этиш тажриба-инновацион йўналиш ўз ичига олади. Педагогларнинг инновацион фаолиятида илмий-услубий ёрдам кўрсатиш, конференциялар, семинарлар, мастер-класслар, очик машғулотлар, стажировкалар, гуруҳ ва индивидуал маслаҳатлар ташкил этиш орқали педагогик кадрларнинг касбий маҳоратини ошириш ва “Мактаб-лаборатория”да тўлганган инновацион усуллари тарқатиш ишлари илмий-услубий йўналишда олиб борилади.

Шунингдек, илмий-тадқиқот йўналишида психологик-педагогик тадқиқотларни таълим амалиётида қўллаш ва экспертиза қилиш, педагогик таълимни ривожлантириш дастурларини амалга оширишда самарадорлигини тадқиқ қилиш ишлари ташкил этилади. Касбга-ча ва касбий-педагогик тайёрлашнинг илгор усулларини ўрганиш ва умумлаштириш, таълимга оид ахборот ресурсларини яратиш, жамлаш ва янгиллаб бориш, оммавий ахборот воситаларида педагогик таълимнинг жозибадорлигини оширувчи ва унинг мавқеини кўтарувчи реклама



Ушбу лойиҳалар умумтаълим мактаблари ва мактабга-ча таълим муассасалари фаолиятининг турли йўналишларида самарадорлигини оширишга қаратилган. Лойиҳалар институт профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти ва мактаб ўқитувчиларининг тажрибасини бирлаштириш тамойилига асосан ишлаб чиқилган.

Институтда олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда педагогик таълим кластери модели ишлаб чиқилган бўлиб, у бир қатор афзалликларга эга.

Мисол учун, кластер ёндашуви синергетик самарадорликка имкон беради, яъни ҳар бир мактаб, экспериментал муаммонинг бир қисmini ишлаб чиқади, уни тизимдаги ўрнига қўра ҳал қилади, кўпинча экспериментнинг умумий қўринишини намойен қилиш орқали унинг янги қирраларини топишга замин яратди.

Таълим тизимида нисбатан бу каби кластер ёндашувларни татбиқ қилиш илгари педагогика соҳасида ўрганилмаган ёки етарли даражада ўрганилмаган инновацион ёндашувларни жорий этиш ва тарқатишга тўқсинлик қилаётган сабабларни аниқлаш имконини беради. Ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг энг мақбул йўли бу тизимга кластери ёндашувдир. Унинг мақсади мувофиқлиги ва долзарблиги хорижий илмий ва педагогик тадқиқотларда ўрганилган.

Бугунги кунда институтнинг катта илмий жамоаси педагогик таълим инновацион кластерининг ил-

мий-назарий асосларини яратиш, уни амалиётга татбиқ этишнинг оқилона механизмларини ишлаб чиқиш устида иш олиб бормоқда. Илмий тадқиқот ва тажриба-синов ишларининг дастлабки натижалари олинди. Натижалар ижобий. Ҳатто биз кутгандан ҳам яхшироқ, дейиш мумкин. Демак, педагогик таълим инновацион кластерининг истиқбол бор. Тошкент вилояти тажрибаси сифатида уни оммалаштириш, шубҳасиз, педагогик таълимда ўзининг ижобий самарасини беради.

Таълим тизимида амалга оширилаётган мазкур ислохотларга мос равишда Чирчиқ давлат педагогика институти жамоаси соҳага инновацияларни жорий қилиш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси жараёнларининг самарадорлигини, жамиятда ўқитувчилик касбининг

нуфузини ошириш мақсадида педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий ва амалий асосларини яратишнинг ўзининг асосий стратегик илмий-тадқиқот йўналиши сифатида белгилаб олди.

Бугунги кунда институтнинг катта илмий жамоаси педагогик таълим инновацион кластерини амалиётга самарали татбиқ этиш механизми яратиш ишлаб чиқиш устида иш олиб бормоқда. Кластер воситасида таълим мазмунини такомиллаштириш ва талабаларга қўшимча касб бериш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар битирувчиларга Президентимиз томонидан илгари суриладиган ғояларнинг тарғиботчиси ва ижрочиси сифатида жамиятда ўз ўринларини топишларига ёрдам беради. Умуман, мазкур инновацион ёндашувнинг соҳага кенг жорий қилиниши ҳудуддаги мактабга-ча ва умумий ўрта таълим муассасаларининг миллий рейтингдаги мавқеини оширишга, ўқитувчилик касбига оқилона ворисийлигини таъминлаш, улар ўртасидаги соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, энг муҳими, ўқитувчиларнинг касбий мослашувчанлик даврини қисқартириб, таълимда мавжуд муаммоларни олий таълимнинг илмий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда ечиш имкониятини беради. Тошкент вилояти тажрибаси сифатида педагогик таълим кластери моделини оммалаштириш, шубҳасиз, педагогик таълимда ўзининг ижобий самарасини кўрсатади.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ҲИСОБ ПАЛАТАСИ INTOSAI АЪЗОСИГА АЙЛАНДИ

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Иқтисодий ва молиявий жараёнлар доимо ҳаракатда бўлади. Бу эса уларни қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиш, назорат қилиш механизмларини қўллашни тақозо этади. Айниқса, сўнгги йилларда молиявий назорат тизимини тубдан ислох қилишга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Юртимизда молиявий назоратнинг олий органи ҳисобланган Ҳисоб палатаси мамлакатимизни ислох қилиш ва ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида илгор халқаро тажрибалар асосида давлат молиявий ресурсларини самарали бошқариш ҳамда бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш устида давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ушбу стандартларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2021 йил 27 августда Президентимизнинг “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжатда 2022 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси

Ҳисоб палатасига Олий аудит органлари халқаро ташкилоти (INTOSAI) аъзоси бўлиш, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, республикада янги молиявий, самарадорлик, мувофиқлик ҳамда фуқаролар иштирокидаги аудитнинг миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва палатанинг назорат тадбирларини ушбу мезонларга мувофиқ ўтказиш вазифаси юклатилди.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ҳисоб палатаси томонидан INTOSAIга аъзо бўлишнинг мазмунини ва ташкилий жиҳатлари устида фаол иш олиб борилди. Хусусан, халқаро муассасага 2019-2022 йилларда раислик қилувчи Россия Федерацияси Ҳисоб палатаси раиси Алексей Кудрин ва ташкилот бош қотиби, Австрия олий



аудит органи раҳбари Маргит Кракер билан мунтазам конструктив мулоқотлар бўлди.

Палата матбуот хизмати маълумотига қўра, INTOSAI бошқарув кенгаши таркибига кирувчи 18 та давлатнинг олий аудит органлари раҳбарлари билан Ҳисоб палатасининг ушбу ташкилотга кириш ташаббусини қўллаб-қувватлаш бўйича музокаралар ўтказилди.

Нихоят, INTOSAI бошқарув кенгашининг жорий йил 23 ноябрда бўлиб ўтган 75-сессиясида

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ушбу ташкилотга тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилиниши бир овоздан маъқулланиб, расман эълон қилинди.

Бу, авваламбор, мамлакатимизда сўнгги йилларда вужудга келган очкилик ва шаффофлик сиёсатига асосан, халқаро ҳамжамият билан олиб борилаётган конструктив мулоқотнинг маҳсули ҳисобланади. Мазкур аъзолик Ўзбекистон олий аудит органи фаолиятининг ривожланишида муҳим тарихий босқич бўлди. Ҳисоб палатасининг INTOSAI таркибига кириши, аввало, давлат секторидagi аудитнинг нуфузли халқаро стандартларга яхшироқ мослашишига имконият яратди. Бу стандартлар юртимизда молиявий назорат жараёни шаффофлигини ошириш, аудиторлик фаолияти сифатини таъминлашга хизмат қилади.

Қолаверса, ийрик халқаро тузилмага интеграциялашув илгор ғоялар, тажриба ва ноу-хау алмашинуви, давлат секторини самарали назорат қилишнинг янги стандартларини ўзлаштириш, халқаро ҳамжамият доирасида эътироф этилган жамоатчилик овозига эга бўлиш каби қатор имкониятлар ашигини очди.

1953 йилда ташкил этилган INTOSAI БМТга аъзо мамлакатлардаги олий аудит институтларини бирлаштирувчи автоном халқаро ташкилот бўлиб, “Ўзаро тажриба барча учун манfaatлидир” шiori остида фаолият юритиб келмоқда. 2021 йил ҳолатига қўра, ташкилотга 195 мамлакатнинг олий аудит органлари аъзо бўлган. Ўзбекистон ҳам ушбу форматдаги халқаро тузилмага аъзо бўлишдан манfaatдор.

Ўзбекистоннинг янги сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимидаги нутқида халқаро ихтисослашган тузилмалар билан қўп томонлама муносабатларни янги, амалий маъно-мазмун билан бойитамиз, дея алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Бу юртимиз ташқи сиёсатида халқаро молиявий институтлар билан ҳам қўп томонлама муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантириш асосий масалалардан бири бўлиб қолишини кўрсатади.

Мухтасар айтганда, INTOSAI тизимида қўлланиладиган янги халқаро аудит стандартлари юртимизда молиявий назорат жараёнининг шаффофлигини ошириш, аудиторлик фаолияти сифатини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса аудит ҳисоботларига нисбатан кенг жамоатчилик ишончининг орттишига олиб келади.

Келгусида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси INTOSAIга аъзо хорижий олий аудит органлари билан ҳам яқин ҳамкорлигини ривожлантиришни мақсад қилган.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ АМЕРИКАДА


ёхуд Нью-Йоркдаги “Ziyo Art” ўзбек мактабига тўхфа

“Сен бўлмасанг нима бизга силлиқ шеърлар,
Бу дунёда тили йўқда дил йўқ дерлар...”

Муҳаммад ЮСУФ

Ватандан айролик қисмати туфайли ҳали ўспиринлик чоғидаёқ юртидан йироқларга кетишга мажбур бўлган шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг соғинч ва армонлари унинг ашъорига тўкилган. Улар бизга ҳануз буюк бобомизнинг ватанпарварлигидан сабоқ бермоқда. Уша олис Ҳиндистон тупроғида унинг авлодлари барпо этган иншоотлар, боғлар аждодларимиз кудратини оламга кўз-кўз этмоқда. Гўё улар ота-боболаримиз юрагидagi буюк

Ватан тимсоли каби ҳануз қад ростлаб турибди. Она тили орқали авлодлар давомийлиги, аъна ва қадриятлар муштараклиги уйғунлашади. Бу уйғунлик инсонга ўзлигини англашга имкон яратади. Ўзини танимаган Аллоҳни танимайди, дейишади. “Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам”, деб ёзганди ҳазрат Алишер Навоий. У яратган асарларда она тилимизнинг бутун жозибаси, гўзаллиги жилоланиб, ҳануз дунё аҳлини ўзига ром этмоқда.



Президентимиз пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида бир гуруҳ ёзувчи ва шоирлар билан учрашувда адабиётга юксак баҳо бериб: “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак”, деган эди.

Хорижда яшаётган ватандошлар билан ҳамкорликини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Президенти қарорига биноан 2021 йил 11 август куни “Ватандошлар” жамоат фонди ташкил этилди.



Унинг асосий мақсад ва вазифалари чет элдаги ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмалари билан алоқаларни йўлга қўйиш, хорижда ўзбек тили, маданияти ва аънаёларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятни рағбатлантириш ҳамда ўзга юртларда истиқомат қилаётган ва таҳсил олаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби қатор хайрли тadbирларни амалга оширишга қаратилган.

Ушбу вазифаларни ҳаётга татбиқ қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан олиб борилаётган кенг қўламли ишлар доирасида мамлакатимизнинг БМТдаги доимий ваколатхонаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида Нью-Йоркнинг Бруклин мавзесида (АҚШ) очилган “Ziyo Art” ўзбек мактабига адабиётимиз намоёндалари — атоқли ёзувчи ва шоирларимиз қаламига мансуб 400 дан зиёд китобни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Китобларнинг катта қисми АҚШда таҳсил олаётган ўзбек ўғил-қизларимизга тўхфа қилинди. Яна бир қисми эса мактабда ташкил этилган кутубхонада қолдирилади. Қолган қисми Пенсильвания, Иллинойс, Нью-Жерси штатларида истиқомат қилаётган ўзбек оилалари фарзандларига етказиб берилади.

Тadbирда Нью-Йорк шаҳри кенгаши депутаты Ари Каган ва Нью-Йорк штати сенатори Эндрю Гунардес ҳам иштирок этиб, ўзбек диаспораси ҳақида илиқ фикрлар билдиришди.

Жумладан, Ари Каган “Мен ўзбек жамиятини Нью-Йорк тожикнинг зумради деб доимо таъкидлайман. Чунки ўзбекларнинг барча тadbirlари гўзал тарзда ташкил этилади, бу миллат

вакилларига инсонийлик ва меҳмондўстлик туйғуларни хосдир”, дея қайд этди. У, шунингдек, Ўзбекистон халқининг бой маданияти ва аънаёларини юқори баҳолади.

Сенатор Эндрю Гунардес АҚШда яшаётган ўзбекистонликларнинг ўз фарзандларига она тили, адабиёти ва миллий аънаёларни ўргатиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлади. “Мазкур жараён халқлар ва жамиятлар ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга сезиларли ҳисса қўшади”, деди Э.Гунардес.

Тadbир давомида АҚШда истиқомат қилувчи ватандошларимизнинг фарзандлари ўзбек тилида шеърлар айтиб, миллий рақс санъатимиз намуналарини ижро этишди.

Тadbир иштирокчилари Ўзбекистон раҳбариятига хориждаги ватандошларга қўрсатилаётган ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирдилар.

“Ziyo Art” ўзбек мактаби олис Америка диёрида 2020 йил 19 сентябрдан буён фаолият қўрсатмоқда. Бу мактаб ўзбек ватандошларимизнинг “Маҳалла USA” нодавлат ноҳукумат ташкилоти ҳузурида ташкил этилган.

Мактабда ўзбек тили ва адабиёти, математика, одобнома, тасвирий санъат ва шахмат фанларидан дарс ўтилади. Машғулотлар шанба ва якшанба кунлари ўзбек тилида, юртимиздан келтирилган махсус ўқув материалларидан фойдаланган ҳолда малакали ўқитувчилар томонидан ўтказилади. Ўқитувчилар таллов асосида саралаб олинган.

Ҳилола АЛИМОВА,
журналист

Нью-Йорк

ТУРИЗМ

Самарқанд туманидаги эшкак эишиш канали атрофида замонавий шаҳарсозлик аънаёлари асосида Самарқанд туризм маркази бунёд этилмоқда. Айни пайтда бу маскан улкан қурилиш майдонида айланган. 212 гектар майдонни эгаллаган мажмуада беш ва тўрт юлдузли 8 та меҳмонхона, йирик анжуманларни ўтказишга мўлжалланган конгресс-холл, дам олиш масканлари, “Абадий шаҳар” карвонсаройи қад ростлайди. Мазкур карвонсарой халқимизнинг ўзига хос бой миллий-маданий мероси ва қадриятларини намоён этадиган маскан бўлиши, шубҳасиз.

Қадимий карвонсарой

халқимизнинг бой ўтмиши, маданияти, бунёдкорлик салоҳиятидан сўзлайди

Жўраҳон ИНОЯТОВ,
“Усто” бирлашмаси
Самарқанд вилояти
бўлими раҳбари,
меъмор-санъатшунос

Қадимий Кўҳак тепалигидан шундоқ кўриниб турадиган янги шаҳарча келгусида мўъжизалар шаҳарчаси, ўтмиш ва бугуннинг тимсолига айланади, десак муболаға бўлмайди. Шаҳарча лойиҳаси Eipel компанияси бошқаруви раиси, таникли меъмор Бахтиёр Фозилов раҳбарлигида тайёрланди. Бунда Самарқанд Буюк ипак йўлининг чорраҳаси бўлгани, азалдан илм-фан ва маданият, савдо-сотиқ ва хунармандлик ривожланганига эътибор қаратилди. Ўз навбатида, Самарқанднинг дунё цивилизациясидаги ўрни ҳисобга олиниб, ажойиб лойиҳа ишлаб чиқилди.

“Абадий шаҳар”да Самарқанддаги бетакрор тарихий обидалар, улкан минорая гумбазлар, қуллолар, зардузлар, чининпазлар, мусаввирлар устaxonналари, Самарқанд қозоғи ишлаб чиқарадиган устaxonна, Самарқанд нони ва бошқа миллий таомлар тайёрланадиган масканлар, қадимий гавжум бозор — барча-барчаси жойлашади. Шунингдек, карвонсаройдан Хоразмнинг дунёда тенги йўқ гиламлари,



Нуротаю Ургутнинг сўзаначилиқ санъати — қадимий кашталари, Кўкону Марғилоннинг ёғоч ўймакорлиги санъати намуналари ўрин олади.

Лойиҳани амалга оширишга самарқандлик уч юзга яқин ганчкор, ёғоч ўймаkori, қуллол, тоштарош уста-меъмор жалб қилинди. Ўзбекистон Қаҳрамони Мирумар Асадов, Ўзбекистон халқ усталари Саидали Мирзаев, Насрулло Соҳибназаров, Миржалол Асадовнинг фарзандлари ва шогирдлари, бошқа устозодалар шулар жумласидан. Улар томонидан қадим Шарқ наққошлик санъати ўн битта йўналишда, жумладан, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, мармар наққошлиги, тоштарошлик санъатининг ноб намуналари яратилиб, лойиҳада кўрсатилганидан-да бой манзара намоён бўлмоқда.

Шунингдек, кейинги йилларда йўқолиб кетаётган майолика, мазолика санъатлари қайта жило топиоқда. Зеро, таниқли ганчкор Мирумар Асадовдан кейин мармар кошинкорлиги, муқарнас санъати деярли йўқолиб қолганди. Бу ерда ушбу аънаа асосида мармардан муқарнас яратилаётир. Тоҳир Багиров бошчилигида мармар ўймакорлиги санъати давом эттирилмоқда. Моҳир уста Абдували Нобиев эса, шогирдлари билан бетакрор услубда кошинкорлик материаллари тайёрлаб бермоқда. Ғиждувонлик машхур қуллолар сулоласи вакили, Ўзбекистон халқ устаси Алишер Нарзуллаев ҳам ака-укалари, шогирдлари билан шу ерда меҳнат қилаётир. Бу ерда уларнинг ҳам ўз устaxonналари бўлади.

Абдували Нобиев, Шамсиддин Амридинов ҳамда шогирдлари лойиҳада қўрсатилган камалак рангларидаги кошинкорлик материалларини етказиб бермоқда. Бундан ташқари, қадим шаҳар ҳаёти ва маданиятига монанд от аравалар, усталар хонадонлари, қуллолар, зардузлар ишхоналари, темирчилик ва устачилик асбоблари, устозодалар ҳайкаллари яратилапти.

Дарвоқе, Самарқанд туризм марказида ер қарьидан отилиб турган табиий шифобахш сувдан бу ерга келадиган сайёҳлар, меҳмонлар баҳраманд бўлишлари мумкин.

Мухтасар айтганда, “Абадий шаҳар” карвонсаройида қадимий аънаёлар асосида бунёд этилаётган бу ажиб шаҳарча халқимизнинг бой ўтмиши, маданияти, бунёдкорлик салоҳиятини намоён этади.



ҚАДРИЯТ

ИНСОН ҚЎЛИ ЯРАТГАН МЎЪЖИЗАЛАР

Дилфуза МАВЛОНОВА,
Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ходими

Истиқлол берган ижод эркинлиги ўзбек санъатида янги даврни бошлаб берди. Хусусан, Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Манзура Юсупова сингари изланувчан, санъатсевар инсонларнинг эзгу ғоялари ҳам кенг қулоч ёза бошлади. Манзураҳон опа мустақиллик йилларида қайта дунёга келиб, камол топган халқ амалий санъатининг аънавий ўзбек миллий кўғирчоқбозлик йўналиши Андижон мактабининг асосчиси сифатида эътироф этилади.

Унинг момолардан қолган ва қадимий аънаёлар асосида дунёга юз тутган илк кўғирчоқлари 1990-йиллар охирида пайдо бўлди. Миллий кўғирчоқ санъатини ривожлантириш йўналишида Америка Халқаро жамғармаси грантини қўлга киритгани санъат йўлидаги дадил одимлар учун муҳим омил бўлди. Бу Манзура Юсуповани миллионлаб нусхаларда ишлаб чиқарилаётган хорижий фирмалар кўғирчоқларида етишмаётган ҳаётийлик, табиийлиқни яратиш устида изланишга ундади. Юксак эстетик дид, ижодкорлик, қасбга садоқат, тadbиркорлик ва ташаббускорлик Манзураҳонни болалар дунёсига олиб кирди. У кўғирчоқ санъатига меҳр қўйди. Интилишлари натижасида кўғирчоқ тайёрлашнинг турли усулларини ўрганди. Ўз ўрнида тарихга ҳам мурожаат қилди.

Бир неча йил давомидаги илмий-амалий изланишлар натижасида фақат қўл меҳнати, табиий миллий матолар, кашталар, умуман, маҳаллий хомашёга асосланган ўзига хос ўзбекона “Манзура опа кўғирчоқлари” дунёга келди.

Ижодкорни нафосат оламига олиб кирган эзгу туйғу, аввало, бир меҳрибон она, ўзбек аёли сифатида миллий либослар билан ясанган ўзбек кўғирчоқлари орқали мурғак қалбларда гўзаллик, миллийлик, ватанга муҳаббат, гурур ва ифтихор ҳисларини шакллантириш, десак хато бўлмайди. Қолаверса, адрас, атлас, бекасам каби миллий матолар жозибасини дунёга ёйишга ҳисса қўйиш истаги унинг фаолиятида самарали натижа берганига гувоҳ бўламыз.

Манзураҳоннинг “Келин”, “Қуёв бола”, “Тоҳир ва Зухра”, “Тўй бола”, “Ўзбек халқ эртаклари қаҳрамонлари”, умуман, миллий тимсоллардаги кўғирчоқлари қарийб 18 йил давомида вилоят, республика миқёсида ўтказилган Мустақиллик ва Наврўз байрамларини беади. “Ташаббус”, “Энг улғу, энг

азиз” каби маҳаллий, “Буюк ипак йўли”, “Оймо” (Қирғизистон), “Ипак йўли ва зираворлар”, “Шарқ тароналари” каби халқаро форум, ярмарка, фестиваль ҳамда кўргазмаларда намоиш этилди. Францияда бўлиб ўтган “Ўзбекистон маданияти ва санъат кунлари фестивали” экспонатлари қаторидан жой олди.

“Манзура опа кўғирчоқлари” юртимиз бўйлаб кенг тарқалиб ўзбек боғчалари, хонадонлари, умуман, гўзаллик шайдолари эътиборини тортиб келяпти. Улар аввало, ўзбек халқининг ҳаёти, миллий турмуш тарзи ва санъатини ифодаловчи соғва сифатида хорижий сайёҳлар хонадонларидан, турли музей ва шахсий коллекциялардан ўрин олмоқда.

Бугун нафақат вилоятда, балки юртимизнинг турли худудларида Манзураҳоннинг шогирдлари — Андижон кўғирчоқ мактабининг истеъдодли давомчилари ўзларининг янгидан-янги



миллий кўғирчоқлари билан халқаро ва республика миқёсидаги кўргазма, ярмарка ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Яқинда опанинг “Миллий қадриятлар ва асрий аънаёлар давомидаги” номли кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазма барча қатнашчилар, айниқса, хорижий сайёҳларда ўзига хос таассурот қолдиргани, қизиқиш уйотганига шубҳа йўқ. Зеро, қўллаб иштирокчиларда шундай кўғирчоқлар соҳиб бўлиш истаги тугилди.

— Кўғирчоқлар нафақат бола учун овунчоқ, балки тарбия воситаси ҳамдир. У орқали бола миллий аънаёларини, миллиятга хос қадриятларини ҳис этади. Керак бўлса, ўрганади. Сўз фарзанд саломатлиги, унинг камоли хусусида кетар экан, бу ишга ниҳоятда катта эътибор ва масъулият билан ёндашмоқ лозим. Кўғирчоқларни яратиш чоғида, аввало, унинг миллийлигига, нафис кўринишига, либослар ва ундаги ишлатиладиган бўёқларнинг сифатига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Фарзандларимизнинг миллийлик нафаси уфуриб турган, инсоний туйғулар ифодаланган шарқона кўғирчоқлар билан дўст бўлишни истардим. Шунинг учун ясаётган кўғирчоқларим орқали ўзбек миллатининг танти, меҳнатқаш, олижаноб қиёфасини ифода этишга уринаман, — дейди Манзура Юсупова.

Дарҳақиқат, миллийликка ҳурматни болалар боғчасидан, фарзандларимиз ҳали гўдаклигидан бошлашса, улар ана шу руҳда камол топади, миллийликни, ўзликини муносиб баҳолай олади.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. **Буюртма** — 3901.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусахҳис: Малохат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 21:50 Топирилди — 00:50